

## Some Lexical Characteristics Of The Work "Uguznoma"

Saidov Yakub Siddikovich,  
Professor of Bukhara State University,  
Doctor of Philology

**Abstract.** The article studies manuscripts of the work "Oguznoma", classifies the general Turkic and ancient Turkic words used in it by thematic groups, analyzes some words with borrowed meanings, reveals their lexical and artistic features, and determines the place of the work in the development of the Uzbek literary language.

**Keywords:** Language, vocabulary, classification, thematic group, general Turkic vocabulary, ancient Turkic words, borrowed meaning, simile, homonym.

### «Ўғузнома» Асарининг Айрим Лексик Хусусиятлари

Саидов Ёқуб Сиддиқович,  
Бухоро давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори

**Аннотация.** Мақолада «Ўғузнома» асарининг қўлёзма нусхалари ўрганилган, унда қўлланган умумтуркий ва қадимги туркий сўзлар мавзуй гуруҳлар бўйича таснифланган ҳамда айрим кўчма маъноли сўзлар таҳлил этилган, уларнинг луғавий-бадий хусусиятлари очиқ берилган, асарнинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрни белгиланган.

**Калит сўзлар:** тил, лексика, тасниф, мавзуй гуруҳ, умумтуркий лексика, қадимги туркий сўзлар, кўчма маъно, ўхшатиш, омоним.

Туркий халқлар тарихи, маданияти, адабиёти ва тили билан боғлиқ масалаларни ўрганишда барча туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги «Ўғузнома» асари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарнинг, асосан, иккита қадимий нусхаси мавжуд. Биринчиси, қарлуқ-уйғур тили хусусиятларини ўзида акс эттиради. Ушбу эпик асар туркий халқларнинг асосий ўзак қисмларидан бирини ташкил этувчи ўғузлар, уларнинг шаклланиши, шажараси ва афсонавий ҳукмдори Ўғуз хоқон ҳақида бўлиб, уйғур ёзувида битилган. Қирқ икки саҳифали асарнинг асл нусхаси тахминан XV асрда кўчирилган, Олтин Ўрда хоқони Тўхтамишнинг кутубхонасида сақланган, ҳозир Париждаги Миллий кутубхонанинг «Туркий асарлар» бўлимида сақланади. Мазкур қўлёзма нусхасида Кўк Тангри динига доир айрим хусусиятлар мавжуд бўлиб, ислом ва буддизм динига оид элементлар деярли учрамайди. Шунга қўра бу нусхани мутахассислар энг қадимий нусха сифатида белгилайдилар.

Ўғузхон ҳақидаги афсонанинг иккинчи қадимий нусхаси XIV асрда яшаган Рашиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» китобида мавжуд. Асарда туркий қавмларнинг юзага келиши ҳамда йигирма тўртта турк қавмига ном берилиши билан боғлиқ бир неча ривоят ҳамда афсоналар келтирилган. Улар орасида Ўғуз хоқонга бағишланган афсона ҳам бор. Шунингдек, асарнинг араб ёзувида тартиб қилинган иккита қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Булар кейинги даврларда кўчирилган нусхалардир [8, 11].

«Ўғузнома»нинг турли вариантдаги версиялари бор. Унинг энг кўп тарқалган варианты Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» (1669) асарида сақланган. «Китоби дадам Кўрқут» («Кўрқут ота китоби»)нинг ўн иккита бобидан бири ҳам «Ўғузнома» номи билан аталади. «Ўғузнома» кўп тилларга, жумладан, немис (1815), рус (биринчи марта – XIX асрнинг охири; иккинчи марта – 1959) ва бошқа тилларга таржима қилинган. «Ўғузнома»нинг уйғур ёзувидаги асл матни ва унинг ўзбек тилига ўгирилган вариантыни тилшунос Бахтиёр Исабеков нашрга тайёрлаб, уни 2007 йилда чоп

эттирди [7]. Изоҳ сифатида айтиб ўтиш керакки, асарнинг тил хусусиятларини таҳлил этишда, асосан, мазкур манбага асосланилди ва мисоллар ушбу асардан олинди.

Асарнинг яратилиш вақтини дostonнинг кўчирилган даври, яъни XV аср билан боғлаб бўлмайди. Асарда тасвирланган воқеалар, ундаги мифлар анча қадимийдир. Шунга кўра тадқиқотчилар томонидан асарнинг милoddан аввалги II асрларда яратилганлиги бўйича қарашлари илгари сурилган [1, 5].

Дostonда туркий халқларнинг энг қадимги даврларидан милoddимизгача бўлган ҳаётининг турли белгилари умумлашган. Унда туркий қабила ва уруғлар тарихи ҳақидаги мифик тасаввур ифодалари муҳим ўрин олган. «Ўғузнома» Ўғуз хоқоннинг туғилишидан кексайган сўнгги давригача бўлган воқеаларни қисқа сюжетларда тасвирлаб берадиган дostonдир. Шунга кўра, бу асарни катта бир эпоснинг бўлаклари ёки бир неча қаҳрамонлик эпосларидан олинган парчалар Ўғуз хоқон номи билан боғланган дейиш мумкин. Ўғуз сўзининг дастлабки шакллари ўкуз, ҳўкуз бўлган деган қарашлар мавжуд [1, 6].

Аёнки, қадимги мифларда белигача ҳўкиз бўлган Хўкиз одам образи тасвирланган. Мифологияга кўра, Каюмарс (Говмард) ер юзидан пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у икки вужуддан: ҳўкиздан ва одамдан ташкил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани Аҳриман Каюмарсни ўлдирди. Каюмарс жасадининг ҳўкиз қисмидан турли хил дон ва ўсимлик, сигир ва ҳўкиз, улардан эса жуда кўп фойдаланиш ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан эса инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади.

“Ўғузнома” асарида Ўғузнинг туғилганига қирқ кун бўлганлигидаги тасвирида унинг оёқлари ҳўкизга ўхшатилишини мазкур мифологик образ билан боғлаш мумкин. Белининг бўри белига ўхшатилиши эса ўзларини бўри авлодидан ҳисоблаган туркийларни эслатади. Изоҳ сифатида айтиш мумкинки, бўрининг эркин ҳаёт тарзи, эркинликдан бошқа шароитда, чунончи, тутқинликда асло яшай олмаслиги, мардлиги, садоқати сабаб туркийлар уни ўзларининг тотеми деб билган.

Айтилганидек, “Ўғузнома”да воқеалар баёни қисқа-қисқа жумлалар воситасида берилган. Ҳар бир жумла ифодаланаётган воқеа ҳақида муҳим маълумот бериш вазифасини бажарган. Асарнинг қисқача мазмуни қуйидагича: Тангри оламни яратади, унга Ой хоқонни ҳукмдор этади. Кунлардан бир кун Ой хоқон ўғил туғади. Дoston мазмунидан англашилишича, туғилган чақалоқ – Ўғуз ер юзидаги биринчи инсон, у ғайритабиий туғилган. Изоҳ сифатида айтиш мумкинки, қадимги афсона ва ривоятларнинг деярли барчасида биринчи инсон ғайритабиий туғилган. Ой хоқондан туғилган ўғилнинг юзи кўк, оғзи оташдай қизил, сочлари қора ва фаришталардан ҳам чиройлироқ эди. Ўша ўғил онасининг кўксидан бир марта сут эмиб, ундан сўнг бошқа ичмади, тилга кириб, яхши гўшт, овқат, ичимлик сўради. Қирқ кундан сўнг улғайди. Оёғи ҳўкиз оёғидек, беллари бўрининг белларидек, яғрини бургут яғринидай, кўкраги айиқ кўкрагидай эди. Кўп кунлар, кўп тунлардан сўнг йигит бўлди. Ўрмонда баҳайбат бир йиртқич бор эди, отларни, одамларни ер эди. Ўғуз найза билан йиртқичнинг бошига урди, уни ўлдирди.

Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон тангрига ёлворди. Кўкдан бир ёруғ нур тушди. Ўша нурнинг орасида бир қиз бор эди. Ўғуз хоқон уни кўриб ўзидан кетди, севиб қолди, уни олди. У уч ўғил туғди. Уларга Кун, Ой, Юлдуз отини қўйдилар.

Кунлардан бир кун Ўғуз хоқон овга кетди. Бир дарахтнинг остида чиройли бир қиз ёлғиз ўтирар эди. Унинг кўзи кўм-кўк, сочи дарёнинг оқимидек, тиши инжу каби эди. Ўғуз хоқон уни севиб қолди, унга уйланди. У учта ўғил туғди. Биринчисига Кўк, иккинчисига Тоғ, учинчисига Денгиз исмини қўйдилар. Ўғуз ўзини хон деб эълон қилди. Итил дарёсидан ўтиб кўп ерларни босиб олди. Унга бутун сафари давомида кўк бўри раҳнамолик қилди. Бир кун туш кўрди. Тушида олтин ёй ва учта қумуш ўқ кўрди. Ёйни ва ўқни фарзандларига бериб, юртни уларга мерос қолдирди.

«Ўғузнома»да Кўк бўри асар сюжетини ривожлантирувчи асосий образдир. У Ўғузхонга бир неча марта йўл-йўриқ кўрсатади, уни хавфдан огоҳ қилади, унга ғалаба хабарини беради.

Асар тилида қадимий туркий қавмлар номи кўп учрайди. Бунга мисол сифатида Қанғли уруғининг номини айтиб ўтиш мумкин. Қанғли туркий халқларнинг милoddан аввалги асрларда шаклланган қабилаларидан биридир. Афсонада бу номнинг келиб чиқиш сабаби қуйидаги воқеа билан изоҳланади: “Журжит хоқонининг халқи Ўғуз хоқонга қарши туради. Уруш бошланади. Ўғуз хоқон ғалаба қилади. Жангдан сўнг Ўғуз хоқоннинг кўшини шундай катта ўлжага эга бўладики, уларни

юклашга, олиб кетишга от, хачир, хўкиз камлик қилади. Ўғуз хоқоннинг қўшинида чаққон, гавдали бир яхши одам бўлади. У бир арава ясайди. Арава устига ўлик ўлжа (мол-мулк)ни юклайди, аравага эса тирик ўлжа (асир)ни қўшади. Навкарларнинг ҳаммаси буни кўриб, улар ҳам аравалар ясайдилар. Аравалар юрганда «қанға, қанға» деган овоз чиқаради. Шунинг учун уларга *қанға* деб от қўйдилар. Ўғуз хоқон араваларни кўрди, кулди. Айтдики, ўлик (мол)ни тирик (мол) тортиб борсин. “Қанғалуғ” сенга ном бўлсин, «қанға» сенга нишон бўлсин, сени билдирсин” [7, 29].

Маълумки, туркийлар қадимда аравани *қанғли* деб аташган. Асарда қадимий туркий қабилалардан бири *қанғли* уруғи номидан ташқари *уйғур* [14], *чурчит* [26], *қипчақ* [22] каби уруғларнинг номи ҳам қайд этилган. Асарда жуда кўплаб киши исмлари (антропонимлар) учрайди. Улар жумласига *Ой қаған* [7,8], *Ўғуз қаған* [7,10], *Кун* [7,12], *Ай* [7,12], *Йўлдуз* [7,12], *Кўк* [7,14], *Тағ* [7,14], *Тенгиз* [7,14], *Алтун қаған* [7,16], *Урум қаған* [7,16], *Урус бег* [7,20], *Ўрдубек* [7,22], *Тўмурду қағул* [7,26], *Чурчит қаған* [7,26], *Бармақлуғ Йўсун Биллик* [7,28], *Масар қаған* [7,30], *Улуғ Турук* [7,30] қабиларни айтиб ўтиш мумкин. Кўриниб турибдики, исмларнинг барчаси тарихий-этимологик нуқтаи назардан умумтуркий қатламга хос. Асарда Ислом дини билан боғлиқ арабий исм деярли учрамайди. Бундан англашиладики, асарда тасвирланган афсонавий воқеаларнинг бадиий мазмуни VIII асрдан анча олдин, Ислом дини туркийлар ҳаётига кириб келишига қадар шаклланган.

Асарда келтирилган исмлардан қадимда кишилар ўзларини олам ва табиат билан уйғун, улар билан ўзаро боғлиқ ҳолатда тасаввур қилганликларини билиб олиш мумкин. Ўғуз хоқон фарзандларига *Кун*, *Ай*, *Йўлдуз*, *Кўк*, *Тағ* ва *Тенгиз* исмларининг қўйилишига эътибор берилса, улар осмон жисмлари, табиат, тоғ ва денгиз номлари асосида қўйилган: кўёш (Кун), ой (Ай), юлдуз (Йўлдуз), осмон (Кўк), тоғ (Тағ), денгиз (Тенгиз) каби. Асарда учта тоғ номи – *Музтағ* [7,16], *Синду* [7,28], *Тангут* [7,28]; битта дарё номи – *Итил* [7,19]; битта жой номи – *Барқан* [7,28] қўлланилган. Дарё маъноси асарда *муран*, *талун* ва *ўкуз* сўзлари орқали ифодаланган бўлиб, баъзан *муран* сўзи *ирмоқ* маъносида ҳам қўлланилган [7,8].

Асарда умумтуркий [*кун*, *кўк*, *ўғил*, *тил*, *бел*, *от*, *ийгит*, *тонг*, *кўкрак*, *тиш*, *соч* каби], қадимги туркий [*чирағ* (юз, афт), *ўкуз* (дарё), қалиқ (эшик), *эмгак* (меҳнат, машаққат), *қабучақ* (қобик, ковак), *тўрулуқ* (ҳокимият), *ал* (оловранг) каби] сўзлар асосий қатлам сифатида намоён бўлган. Шу билан бирга асар тилида оз миқдорда бўлса ҳам форсий ва арабий сўзлар учрайди. Бундай сўзлар жумласига арабий *салла* [7,30], *шағам* (шом) [7,28]; форсий *дўст* [7,16], *киш* (қундузнинг бир тури) [7,8] қабиларни айтиш мумкин. Арабий *халқ* маъносида *эл-қуни* сўзи қўлланган: *Андағ кўруклуқ эрдиким*, *йэрнинг эл-қуни ани кўрса*, *ай-ай*, *аҳ-аҳ*, *ўларбиз теп*. (Шунчалик чиройли эдиким, уни кўрган халқ “хой-хой, воҳ-воҳ, ўлиб қоламиз” дер) [7,12].

Битикда ов ва уруш лавҳалари асосий ўрин тутади. Шунга кўра асар тилида ҳайвон ва қурол-аслаҳа номлари кўп учрайди. Ҳайвон номларидан *бўри* [7,8], *киш* (қундузнинг бир тури) [7,8], *адуг* (айиқ) [7,8], *ат* (от) [7,8], *кик* (ёввойи ҳайвон, маҳлуқ) [7,8], *йилқи* [7,8], *қуш* [7,8], *қиат* (қатта маҳлуқ, каркидон) [7,8], *буғу* [7,10], *шунқар* [7,10], *қулан* (қулон) [7,14], *бузақ* (бузоқ) [7,26], *уд* (хўкиз, сигир) [7,22], *қағатир* (хачир) [7,28], *тағуқ* (товуқ) [7,34], *қўй* [7,30] қабиларни айтиб ўтиш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, *кик* сўзи бир ўринда ёввойи ҳайвон, маҳлуқ маъносида, бошқа бир ўринда кийик маъносида қўлланган.

Қурол-аслаҳа терминлардан *йида* (чўқмор, гурзи) [7,10], *ўқ* [7,10], *қилич* [7,10], *қалқан* [7,10], *йа* (ёй, камон) [7,10], *чериг* (аскар, лашкар) [7,16] қабилар истифода этилган. Уруш, жанг маъносини ифодалаш учун *атлағу*, *тўқуш*//*тўқушғу*, *тутрулунч*, *урушунч*, *урушғу*//*урушқу* ва *сўғурғу* сўзларидан фойдаланилган.

Асар тилида дарахт ва унинг қисмлари номлари – *тал* (тол) [7,10], *чубуғ* (новда) [7,10], *иғач*//*йиғач* (дарахт) [7,10]; ичгуликлар номи – *сут*, *қумуз* (қимиз) [7,12]; қимматбаҳо тошлар номи – *алтун* [7,16], *кумуш* [7,16], *йақут* (ёқут) [7,16], *эрдан* (қимматбаҳо нарсалар) [7,30] қабилар учрайди. Қаъла, шаҳар, кент маъносини ифодалаш учун *балуқ* [7,20], оғиз, биринчи сут маъносида *ўғуз* [7,8], томон, йўналиш маъносида *қундуки* (жануб), *сар* (томон, йўналиш), *чўнг* (чап, сўл), *булунг* (томон, тараф) каби сўзлар қўлланган. *Қиз* сўзи *аёл жинсли киши* маъносида ташқари *ноёб*, *нодир* маъносини билдирган.

Асарда айрим сўзлар ўз маъносида ташқари кўчма маънода ҳам қўлланилган. Бунга мисол сифатида қадимги туркий *йиғач* сўзини айтиш мумкин. Ўғуз хоқон ўрмондаги баҳайбат ёввойи

хайвонни дарахт тагида пойлаб туриши ҳолатида *йиғач* сўзи *дарахт* маъносида қўлланилган: *Кена ўша йиғачнунг тубинда турди* (Ўзи ўша дарахтнинг тагида кутиб турди) [7,10]. Ўғуз хоқон Ўрусбек юртига қўшин тортиб борганда, Ўрусбек ўғли Ўғуз хоқонга “бизнинг уруғимиз – сенинг уруғинг”, яъни менинг сен билан уруғимиз битта, шу учун сен билан жанг қилмайман, сенга солиқ тўлайман, сен билан содиқ дўст бўлиб қоламан, дейди: *Бизнинг уруғибиз сенинг йиғачнунгнунг уруғи бўлмиш бўлуп турур* (Бизнинг уруғимиз сенинг шажарангнинг бир тармоқ уруғидир). Бу ерда *йиғач* сўзи мажозий маънода, яъни *шажара*, *авлод* маъносида истифода этилган [7,22].

Асар тилида ўхшатиш (ташбих)лар жуда кўп қўлланган. Масалан, Ўғуз хоқон туғилганганда унинг оғзи қизил олов (оташ)га ўхшатилади: *Ағизи аташ қизил эрди* (Оғзи оташ каби қизил эди) [7,8]. Ўғуз хоқон қирқ кунликдаги ҳолати тасвирида эса унинг бели бўрининг белига, яғрини силовсин яғринига ташбих қилинади: *Беллари бўри белларидек, йағри киш йағритек* (Беллари бўри белларидек, яғрини киш (силовсин) яғридек) [7,8]. Ўғуз хоқон севиб қолган нур, ёруғлик ичидаги қизнинг тасвирида унинг юзидаги катта холи олтин козиқ юлдузига ўхшатилади: *Бир менги бар эрди, алтун қазиктег эрди* (Бир катта холи бор эди, худди олтин козиқ юлдузидек эди) [7,12].

Асарда *ақ* (оқ) [7,8], *ал* (қизил) [7,8], *қара* (қора) [7,8], *кўк* [7,8], *кўкрак* (кўкрок) [7,12], *қип-қизил* [7,20], *анақ* (оппоқ) [7,24] каби рангни билдирувчи сўзлар қўлланган бўлиб, улар орасида кўк рангга алоҳида эътибор берилган. Шунга доир айрим мисолларни қуйида келтириб ўтамиз:

1. Ўғуз хоқон иккинчи марта севиб қолган қизнинг кўзлари тасвирида унинг кўзлари “кўктун кўкрак” деб берилган: *Кўруклук қиз эрди. Анунг кўзи кўктун кўкрак эрди* (Кўркам бир қиз эди. Унинг кўзи кўкдан ҳам кўкрок эди) [7,12].

2. Ўғуз хоқонга йўлбошчилик қилган бўри кўк тукли, кўк ёлли сифатида тасвирланган: *Кўк тулуклук, кўк йаллук, бедук бир эркак бўри йуругуда турур* (Кўк тукли, кўк ёлли, катта бир бўри кетмоқда) [7,18].

3. Асарда келтирилишича, Ўғуз хоқон туғилганида унинг юзи кўк бўлган: *Ўшул ўғулнинг ўнгули чирақи кўк эрди* (Ўша ўғил юзининг ранги кўк эди) [7,8].

Ўғуз хоқон ва унинг эли Кўк Тангрига сиғинган. Асардаги бир лавҳада бу яққол ўз ифодасини топган. Ўғуз хоқон тун қоронғулигида кундан ёруғроқ, ойдан равшанроқ нур ичида ўтирган бир қизни севиб қолиши воқеасида қизнинг тасвири қуйидагича берилган: *Ўшул қиз андаг кўруклук эрдиким, кулса Кўк Тангри кула турур, йиғласа Кўк Тангри йиғлайу турур* (Бу қиз шунчалик кўркам эдиким, кулса Кўк Тангри ҳам кулар, йиғласа Кўк Тангри ҳам йиғлар эди) [7,12].

Аёнки, қадимги туркий тилда *кўк* омоними, аниқроқ қилиб айтсак, омонемаси *кўк ранг; осмон, коинот; кўкат; чок чизиги; кўзнинг рангдор пардаси (кўк кўз); қуш номи; эркак мушук номи; бирор шахснинг хизмати учун бериладиган ном; унвон* маъноларидан ташқари *эрк, эркин, озод, мустақил* маъносида ҳам қўлланган [2, 312]. Муҳим жиҳат шундан иборатки, инсоннинг кўзи ва юзи, бўрининг эса туки ҳамда ёли кўк рангда ифодаланиши билан *Кўк Тангридаги кўк* сўзида ўзаро боғлиқлик бор.

“Ўғузнома” асарида туркий халқларнинг турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи, маънавий олами, диний қарашлари ва орзу-умидлари маълум даражада акс этган. Унинг тилида қўлланган лексик бирликлар буни тўлиқ далиллайди. Бу сўзлар орқали туркий халқларнинг узок ўтмишдаги тарихи, адабиёти ва тилини ўрганиш мумкин. Шунга кўра мазкур асарнинг тил хусусиятлари, луғат таркиби, сўзларнинг тарихий-этимологик қатламлари, мавзуй гуруҳлари, ундаги ўз ва кўчма маъноли сўзларни ўрганиш ҳамisha аҳамиятли ҳамда долзарб бўлиб қолади.

## Адабиётлар

1. Абдурахмонов А. Туркий адабиётнинг қадимий қатламлари // <http://kh-davron.uz/kutubxona>
2. Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. -676 с.
3. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -Т.: Зарқалам, 2006. -319 б.
4. Saidov Y. O`zbek adabiy tili tarixi (darslik). -Buxoro: Fan va ta`lim, 2023. -384 б.
5. Sodiqov Q. Turkiy til tarixi. –Т.: 2009. -369 б.
6. Турсунов У., Ўринбоев Б., Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1995. -182 б.
7. Ўғузнома (Б.Исабеков нашрга тайёрлаган). -Т.: Ўзбекистон, 2007. -40 б.
8. XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. –Т.: Фан, 1986. –286 б.